

Аёлларга мактуб ёзиш ва уларнинг жавоби

05:00 / 17.02.2017 3762

Оиша бинти Толҳа розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Оишага айтдим – Мен унинг қарамоғида эдим. Унинг олдига турли шаҳарлардан одамлар келар эди. Унга яқинлигим учун катталар хушомад қилишар ва ёшлар дўст тутиб ва совғалар беришар эди. Улар менга турли шаҳарлардан мактуб ёзишар эди. Мен Оишага: «Хола! Мана бу фалончининг мактуби ва совғаси», дер эдим. Оиша менга: «Қизим! Унга жавоб ва мукофот бергин. Агар мукофотга берадиган нарсанг бўлмаса, мен берай», дер эди ва берарди».

Шарҳ: Ушбу ривоятнинг соҳибалар Оиша бинти Толҳа розияллоҳу анҳо Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг опалари Умму Кулсум бинти Абу Бакрнинг қизлари бўлиб, у кишининг тарбиялари ва хизматларида бўлганлар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳузурларига турли шаҳарлардан одамлар келишар экан. Улуғ ёшли кишилар Оиша бинти Толҳа розияллоҳу анҳони эркалаб, гўзал муомала қилар эканлар. Ёшроқ, у киши билан тенгдош бўлган меҳмонлар эса у киши билан яқин дўстона муносабатда бўлар эканлар.

Уларнинг кўпчилиги ўз юртларига қайтгач, Оиша бинти Толҳа розияллоҳу анҳога мактублар ёзар ва ҳадиялар эканлар. У киши мактубларни, ҳадяларни олиб келиб, Оиша онамиз розияллоҳу анҳога кўрсатар эканлар. Шунда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо: «Қизгинам, бу мактубларга жавоб бергин, ҳадяларга эса қайтарадиган бирор нарсанг бўлса, ҳадя қайтаргин, бўлмаса менга айтгин, мен бераман» дер эканлар ва турли ҳадялар берар эканлар.

Ушбу ҳадисдан эркалар аёлларга мактуб ёзиши, аёллар ҳам уларга жавоб ёзишлари мумкинлигини билиб олдик.

Шунингдек, мўминларнинг онаси, Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуманинг Ислом умматида тутган ўринлари, фазллари, турли юртлардан келган улуғ зотларнинг бу онамизни зиёрат қилганликлари, ҳаттоки у ердаги хизматчи қизни ҳам ҳурмат қилиб, унга илиқ муносабатда бўлганликлари, мактублар ёзишиб, ҳадялар улашиб турганликлари ҳам саодат асрининг гўзал одоб-ахлоқ намуналаридир.

Шунингдек, Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ровияга қилган насиҳатларидан мўмин-мусулмонлар, ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл бўлсин, мактубга

албатта жавоб ёзиши кераклиги, бировдан ҳадя олганда бунга бирор нарса қайтариши маъқуллиги, бу билан жамиятдаги ижтимоий алоқалар мустаҳкамланиб, дўстлик, муҳаббат, ўзаро бир-бирининг аҳволидан хабардор бўлиб туриш руҳи ривожланиб боришини ҳам билиб оламиз.